O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 28 АВГУСТ, сешанба
№ 35 (239)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МУҲТАРАМ ВАТАНДОШЛАР!

Агарки, мендан: "Сизнинг раҳбарлик фаолиятингиз йилларида қилган энг муҳим, энг буюк ишларингиз нималар бўлди?" — деб сўралса, мен шундай жавоб берар эдим:

"Мана шу Ўзбекистон дейилган муқаддас заминда яшаётган инсонларни қадрладим, ардоқладим.

Ўзбек, ўзбек миллати, ўзбек халқи номини улуғладим, бутун дунёда унинг ҳурматини жойига қўйдим. Бу менинг ҳаётим маъноси, умрим мазмунига айланиб қолган".

Ислом КАРИМОВ



Истиқлол менинг тақдиримда

ИСТИҚЛОЛ БИЗНИ ДУНЁГА ҚАЙТА ТАНИТДИ

Ўткир ҲОШИМОВ,
Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси

Истиқлол халқимиз орзу қилган олий қадриятдир. У бизга ўзлигимизни англаш, ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаш имконини берди. Аввало, она тилимизни қайтарди. Истиқлолнинг дастлабки пайтларида бир қанча хорижий давлатларга — Германия, АҚШ, Швейцарияга бордим. Лондондаги аэропортда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясига қарашли самолёт бортида ўтирарканмиз, учиш олдидан соф ўзбек тилида **"Ассалому алайкум, хурматли хонимлар ва жаноблар! Сизларни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси номидан муборакбод этамиз!"** — деган овоз янграганда беихтиёр кўзларимдан ёш чиқиб кетганди. Юртимиздан олисда, самолётда ўтирган юзлаб чет элликлар орасида она тилимизни жаранглаши жуда катта бахт эди. Тоталитар тузум даврида хорижликлар Ўзбекистон ҳақида жуда хира тасаввурга эга эди. Бухоро, Самарқанд, Хива каби тарихий шаҳарларимиз номларини эшитган бўлиб, "Ўзбекистон қандай мамлакат?" — деган саволга деярли жавоб беришолмасди. Ҳолбуки, Ўзбекистон ўз даврида жаҳон цивилизацияси бешигини тебратган, юксак ақлу заковати, тафаккур қудрати билан жумла жаҳонни ҳайратга солган не-не олиму фузало, алломаларнинг Ватани саналади. Ўзбекистон давлатчилиги муқаррар бўлган қадимий тарихга эга мамлакатдир. Ўзбекистон табиий бойликлари, меҳнаткаш халқию иқтисодий салоҳияти беқиёс бўлган мамлакатдир. Афсуски, шўролар даврида ана шундай нуфузли Ватанимиз ҳақида чет элда чуқур тасаввурга эга эмасди. Истиқлол она халқимизни дунёга қайта танитди. Олам бизни таниди, тан олди ва биз томонга талпинмоқда.

Мамлакатимизда истиқлол йиллари бевосита матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий негизини шакллантиришга хизмат қиладиган 6 та қонун қабул қилинди. Булар **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"**, **"Ноширлик фаолияти тўғрисида"**, **"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"**, **"Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"**, **"Ахборот олиш кафолатлари тўғрисида"** ва **"Реклама тўғрисида"** қонунлардир. Бу қонунлар халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва халқимизнинг менталитетидан келиб чиқиб яратилгани билан бениҳоя қимматлидир.

Шу билан бирга бу қонунлар шўро замонидан қолган иллатларга бутунлай барҳам бериб қолмай, жамиятимизда оммавий ахборот воситалари эркин фаолият юритишига мустаҳкам замин яратди.

Истиқлол даври матбуоти шўро матбуотидан тубдан фарқ қилади. Энг аввало, мустақиллик матбуотни қарамлик ва расмиятчилик каби иллатлардан халос

этди. Шўролар тузуми давридаги матбуот коммунистик мафкура ва сиёсатнинг ижрочиси эди, холос. Бугун эса оммавий ахборот воситалари Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳақли равишда тўртинчи ҳокимиятга айланиб бораяпти. Истиқлол матбуоти том маънода эркин матбуот, у жамиятдаги фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омиллардан бирига айланиб бораётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Миллий истиқлол ғояларини ҳаётга кенгроқ тадбиқ этиш, қонунлар мазмунмоҳиятини жамоатчиликка етказиш, бир сўз билан айтганда, жамият ҳуқуқий онгини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ҳиссаси катта бўлаётир.

Халқимиз истиқлол туфайли ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётган, бир сўз билан айтганда, одам одамдек яшаётган экан, бу олий неъматни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, янада мустаҳкамлашга ҳар биримиз масъулмиз. Мен Парламент аъзоси сифатида матбуот ва ОАВ ходимлари ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган қатор қонунларни яратиш жараёнида бевосита иштирок этганим, бу савоб эзгу ишга озгина бўлса-да, ҳисса қўшганимдан чин юракдан фахрланаман.

Ижодкор сифатида эса мустақилликнинг тенгсиз қадр-қиймати, бу халқимизга шунчаки осмондан тушган неъмат эмаслиги, уни англаш, қадрлашга ундайдиган бир қанча публицистик мақолалар ёздим. Бундан ташқари, "Тушда кечган умрлар" романини эълон қилдим.

Бу асарда 70 йиллик ҳаётимиз бамисоли қўрқинчли туш каби ўтгани тасвирланган. Ушбу асаримнинг бир қанча боблари Нью-Йоркдаги нуфузли нашриётларнинг бирида (инглиз тилида) нашр қилинди. Журнал муҳаррираидан "Бу асар сизларни нима учун қизиқтириб қолди?" - деб сўраганимда у: "Тушда кечган умрлар" романи уруш ҳақида янгича асар. Бу ерда оқ ва қизил, коммунист ва фашист, меники ва сеники деган гаплар йўқ. Унда инсон, уруш ва ўлим деган гап бор. Шу боис бу асар ҳали кўп яшайди" - деб жавоб берди.

Шунингдек, истиқлол йилларида "Қатағон" фожиасини яратдим. У Ҳамза номидаги драма театри саҳнасида қўйилди. Унда талончиларнинг халқимиз бошига солган кулфатлари тасвирланган. Асарнинг сўнгги саҳнасида Москвадан қўнғироқ қилган бир генерал "Ўзбекистонда вазият ўзгариб қолди. Ишни тезлаштир. Қамасанг, тезроқ қама!" - дейди. Демак, Ўзбекистонда янги бир муҳит пайдо бўлаётгани, яъни истиқлол яқинлигига ишора қилинади. Бу асарим ҳам истиқлолга хизмат қилади, деб ўйлайман. Шу билан бирга Президентимиз айтганларидек, ҳали биз ёзувчилар олдида мустақиллик ғоялари, янги замон кишиси ҳақида асарлар яратиш вазифаси турибди. Бу ҳар бир ижодкор зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

* * *

Самарқандда "Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивали бошланди.

* * *

"Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

* * *

Бир гуруҳ ватандошларимиз "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

* * *

Фарғона шаҳрида Жанубий Корея ва Япония билан ҳамкорликда барпо этилган "Кабул-Фарғона компани" қўшма корхонаси очилиш маросимида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

Президент Ислом Каримов Навоий шаҳрида Алишер Навоий номидаги ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда нутқ сўзлади.

Адлия вазирлигида

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати шарофати билан мамлакатимизда инсон қадри, шаънини улуғлаш борасида беқиёс ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, миллий озодлик ва юрт мустақиллиги учун курашган фидоийлар хотирасини эзозлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар халқимизнинг ўзлигини англаш, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етишга ундаши билан юксак аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг **"Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"**ги Фармони ҳаётимизда тарихий воқеа бўлди. Мазкур Фармонга биноан 31 август қатағон қурбонлари хотирасини ёд этиш куни деб белгиланди. Ватанимиз ва халқимиз истиқболи учун курашган, элни озодлик ва маърифат сари чорлаган фидойилар хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Жойларда шу муносабат билан тадбирлар ўтказилмоқда. Адлия вазирлиги марказий аппарати ходимлари билан **"Шаҳидлар хотираси"** хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Наим Каримов ва бошқалар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам ана шу мавзуга бағишланди. Унинг иштирокчилари мустақиллик учун жон фидо қилган кишилар, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ижтимоий фаолияти ҳақида тўхталиб ўтдилар. Суҳбат жараёнида шаҳидларнинг хотирасини ёд этиш, эзозлаш, тарихий хизматларини ёш авлодга етказиш юзасидан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Куни кеча Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"**ги Фармони эълон қилинди.

Шуниси қувончлики, газетамиз бош муҳаррири ўринбосари Ҳусан Иброҳимов ҳам "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Биз ҳамкасбимизни ушбу юксак мукофот билан чин дилдан қутлаб, унга ижодий баркамоллик тилаймиз.

Эртага Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси ўз ишини бошлайди

Бугун биз ўтаётган ҳар бир кунимизни асрларга қиёслар эканмиз, бунинг замирида, ҳеч шубҳасиз, катта маъно-мазмун мужассам. Чунки халқимиз буюк ўзгаришлар, янгиланиш ва эврилиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Унинг яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳияти ҳеч қачон бугунги кундаги каби тўла рўёбга чиқмаган.

Энг муҳими, истиқлол йилларида ана шундай яратувчилик ва бунёдкорликка ҳуқуқий замин яратадиган, бу эзгуликни тўла кафолатлайдиган жаҳон андозаларига уйғун қонунлар қабул қилинди ва уларнинг амалий ижроси таъминланди.

Шу маънода Парламентимизнинг ҳар бир сессияси, унда қабул қилинадиган қонунлар жамиятимизда ўзига хос катта воқеа ҳисобланади.

Эртага қутлуғ сана — Ватанимиз мустақиллигини ўн йиллиги байрами арафасида иш бошлайдиган Олий Мажлиснинг VI сессиясида қатор қонунлар, жумладан, "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида," "Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида"ги қонунлар лойиҳасини ҳам муҳокама қилиш кўзда тутилган.

Хўш, бу қонунларнинг қабул қилишдан кўзланган эзгу мақсад нималардан иборат? Улар мамлакатимиз тараққиёти, хусусан, бозор муносабатларини янада шакллантириш, иқтисодий ислоҳотларни юксалтиришда қандай таъсир кўрсатади?

Бугунги баҳсимиз ана шу ҳақда.

Абдурафиқ АҲАДОВ,
Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ: УНИНГ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАРИ

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларини янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришда устувор вазифалар белгиланиб, унинг асослари яратиляпти. Шу сабабли ҳам, бугунги кундаги асосий масалалардан бири – қимматли қоғозлар бозорини замонавий андозалар даражасида ташкил этиш ва қонуний меъёрларда йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тажрибасидан маълумки, қимматли қоғозларга иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий молиявий воситалардан бири сифатида қаралади. Албатта, бу – бежиз эмас.

Чунки у молиявий механизмнинг тўлиқ ва мукаммал ишлашини таъминловчи омиллардан бири саналади. Агар қимматли қоғозларга харажатлар ва даромадлар ўртасидаги мувозанатни барқарорлаштириб турувчи восита деб қарасак, унинг иқтисодиёт ривожидаги ўрни янада яққолроқ намоён бўлади.

Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, қимматли қоғозлар бозори талаб даражасида ривожлантирилмаса, миллий иқтисодиётнинг молиявий жараёнлари ташкил этилиши ҳам, ҳақиқий мулкдорларнинг шаклланиши ҳам ўта сустлашиб боришга мойил бўлади. Агар қимматли қоғозлар муомаласи қонуний ҳужжатлар асосида кафолатланса, аҳолининг ҳам, корхона ва ташкилотларнинг ҳам бўш турган маблағларини зарур тармоқларга сафарбар этиш жараёни ўз-ўзидан тезлашади. Бунинг сабаби шундаки, икки тарафлама ишончли кафолатланган манфаатлар тараққиёти ва ривожланишига кенг йўл очилади. Жамланаётган салмоқли заҳира маблағларини аввало, иқтисодиётнинг ўсиши жиҳатдан катта истиқболларга эга бўлган соҳаларини ривожлантиришга сафарбар этиш имкониятлари яратилади.

Натижада капитал оқимининг самарали қайта тақсимланишига эришилади, шу билан бирга янги ишчи ўринлари яратилиши, мамлакатнинг экспорт салоҳияти ошиши ва ниҳоят, жамият фаровонлиги юксалишига хизмат қилувчи муҳим тармоқларнинг фаол ишлаши таъминланади.

Аввало, қимматли қоғозлар бозорининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритадиган бўлсак, унинг фаол иштирокчиси ҳисобланмиш — инвесторларнинг ҳуқуқий кафолатларини яратиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо этади. Чунки инвестор фонд бозорининг алоҳида иштирокчиси ҳисобланади.

(Давоми иккинчи бетда)

ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР ЯРАТИЛДИ

Мустақиллик ато этган неъматларнинг саноғига етиш мушкул. Шулардан бири хусусий мулкчиликка кенг йўл очилганидир. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Чунки шўро давридаги фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида хусусий мулкни таъқиқлайдиган моддалар тўлиб-тошиб ётарди. Мисол учун айтадиган бўлсак, кўп қаватли уйларда ҳар бир оилага 60 кв.м яшаш майдонига рухсат берилган эди, холос. Бировнинг 2 та уй-жойи бўлса, биттасини 1 йил ичида сотиши, сотмаса давлат фойдасига мусодара этилиши қонунда белгиланганди. Қишлоқ жойларда деҳқон ерга ўзи хўжайин эмас эди. Мустақилликнинг илк йилларида деҳқонларга ва ерга муҳтож бўлган фуқароларга ер участкаларининг берилиши оламшумул воқеа сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди. Миллий ҳунармандчилик билан шуғулланганлиги боис жиноятчи деб қаралган фуқароларимизнинг кўкрагига офтоб тегди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

1991 йил **"Ўзбекистон Республикасида Корхоналар тўғрисида"** ва **"Ижара тўғрисида"**ги қонунлар қабул қилинди. Бу — тадбиркорликка қўйилган илк қадам эди. Ватандошларимиз ота-боболаримиздан анъана тариқасида авлоддан авлодга ўтиб келган, дунёни лол қолдирган миллий қадриятларимизни тиклашга тушди. Шунга ҳам ўн йил бўлибди. Ўн йил гарчи тарих саҳнасида жуда қисқа муддат бўлса-да, аммо шу йиллар мобайнида ишбилармонлик, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилдики, натижада мамлакат халқ хўжалигининг турли жабҳасида мулкдорлар тоифаси — тадбиркорлар, фермерлар, саноатчилар — бир сўз билан айтганда, хусусий мулк эгалари фаолият юрита бошлади. Айни пайтда ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликка мамлакат иқтисодининг таянчи, халқ фаровонлигининг манбаи сифатида қараляпти. Энг муҳими, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда иш фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Шу соҳага тегишли 24 та қонун, 22 та Фармон ва 60 дан ортиқ қарорлар қабул қилинди. **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**, **"Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар**



Палаталари тўғрисида", **"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"**, **"Деҳқон-фермер хўжалиги тўғрисида"**, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Албатта, янгилик ҳамма замонда ҳам осонлик билан амалга ошмаган. Тадбиркорлик ҳам кўп қийинчиликларга дуч келди. Эскилик тарафдорлари улар учун сунъий тўсиқлар яратди, йўлига ғов бўлмоқчи бўлди. Ушбу жараённи ўз вақтида сезган Юртбошимиз Адлия вазирлиги зиммасига ўта масъулиятли вазифа —хусусий мулк эгалари, тадбиркорлар тоифасини ҳуқуқий ҳимоя қилиш вазифасини юклади. Натижада вазирликнинг мутасадди мутахассислари тадбиркорликка қўйилган сунъий тўсиқларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатиб, ишлашмоқда. Ўтган ўн йил мобайнида халқимиз менталитети, урф-одатлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг ижро этиш механизмлари ишлаб чиқилди. Улар жаҳон тажрибаси билан уйғунлаштирилди. Натижада халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигини бошқаришда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган тамоман янги меъёрий ва қонунчилик ҳужжатлари амалиётга жорий этилди. Мисол учун, 1994-95 йилларда Адлия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишни тартибга солувчи 30 дан ортиқ намунавий контрактация шартномаларини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этди. Улар халқ хўжалигини бошқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги пайтда давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига доир намунавий контрактация шартномалари ҳам ишлаб чиқилган ва ижроси таъминланган. Шундай умидбахш қонунларнинг қабул қилиниши натижасида жаҳон андозаларига мос келадиган турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик тузилмалари — ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари вужудга келди. Улар иқтисодимизни юксалтириш, қишлоқ хўжалигини жадал суръатлар билан ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳибжон ҲОТАМОВ,
Адлия вазирлиги кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бўлим бошлиғи

Жаҳон – кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона.

Эртага Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси ўз ишини бошлайди

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ: УНИНГ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАРИ

Қудойберган ЖУМАБЕКОВ,
Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Иқтисодий мувозанат узвийлиги ва қимматли қоғозлар бозори ривожланиши маълум жиҳатдан инвесторнинг ҳуқуқ ва кафолатлари қай даражада ҳимояланганлигига ҳам боғлиқ. Агар инвестор молиявий маблағ йўқотишларига дуч келса, унда бозорга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади, бу эса ўз навбатида умумий фонд бозори ва айни пайтда иқтисодиётнинг маълум даражада издан чиқишига олиб келиши мумкин.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор тузилмаларида ўзаро муносабатларнинг яхлит ишончли механизми ўрнатилган ва инвесторларнинг ҳуқуқлари қонун йўли билан ҳимояланган бўлса, қимматли қоғозлар бозори инқирозларсиз муваффақиятли ишлайди.

Америка Қўшма Штатларида рўй берган иқтисодий инқирозлар натижасида Конгресс томонидан қимматли қоғозлар бозорини ривожланитиришга йўналтирилган кўплаб ҳужжатлари қабул қилинган эди. 1970 йилда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ана шундай ҳуқуқий ҳужжатлардан бирига айланди.

МДҲ мамлакатлари қимматли қоғозлар бозорининг кечаги тарихидан маълумки, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари йўқлиги туфайли "инвестициявий пирамида"лар яратилган эди, у ижтимоий беқарорликни юзага келтирди. Натижада баъзи бир мамлакатлар парламентларини қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур қилди.

Ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори давлат томонидан тартибга солинади, яъни инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояланишида ижтимоий тизимнинг ҳуқуқий асослари белгиланиши, инвестицион институтларга қўйиладиган талаблар салмоғи юқори бўлади. Шу боис қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органлари томонидан ахборотларнинг ошкор этилиши тўлиқ таъминланган.

Бугунги кунда қимматли қоғозларнинг эмитентлари тўғрисидаги ахборотларни ошкор этиш масаласи фонд бозорининг энг мураккаб иш жараёнларидан бири саналади. Инвесторларни ўзлари инвестициялаётган қимматли қоғозлар эмитентининг муассислари кимлар эканлиги, қандай маҳсулотлар ишлаб чиқариши, уларнинг молиявий аҳволи, кредиторлар билан ўзаро муносабатлари ва ниҳоят, ўтган йилларда қандай дивидент (даромадлар) тўланганлиги тўғрисидаги аниқ маълумотлар қизиқтиради.

Мамлакатимизда бугунги кунга қадар инвесторлар ҳуқуқлари **"Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"**, **"Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"**, **"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги қонунлар асосида ҳимоя қилиниб келинмоқда.

Лекин инвесторларнинг эмиссия жараёнида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатлари давлат органида рўйхатдан ўтказиладиган облигация ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича ҳимоялашга доир қонун қабул қилинмаган.

Бундан ташқари бугунги кунда воситалар рўйхати кенгайтирилиши, қимматли қоғозларга эгалик қилувчиларнинг, шунингдек, инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш зарурияти пайдо бўлди. Бу механизм барқарор ўсиб борувчи жамғарма бозорини яратишда ҳам муҳим ўрин тутади. Ушбу янги қонунинг қабул қилиниши бу борадаги жараённи тезлаштиришга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Сессия кун тартибига қўйилган **"Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси моҳият-эътибори билан мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестицион сиёсатга жуда катта ҳисса қўшади. Ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз ҳудудидаги табиий бойликлар заҳираларини аниқлаш ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш жараёнига инвестициялар киритилганда маҳсулот тақсимотига оид битимларни тузиш, ижро этиш ва бекор қилиш каби ҳолатларда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Мазкур қонунга кўра чет эллик инвесторга муайян муддатга битимда кўрсатилган ер қаъри участкасида конларни излаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда бу билан боғлиқ бўлган ишларни олиб бориш учун мутлақ ҳуқуқлар берилади. Инвестор эса ўз зиммасига бу ишларни ўз маблағи ҳисобига ва таваккал қилиб амалга ошириш мажбуриятини олади.

Дунёнинг ривожланган давлатларида стратегик хомашё, стратегик маҳсулотларни қидириш, излаш, қазиб олиш, уни қайта ишлаш жараёнига одатда катта ҳажмдаги инвестиция маблағлари жалб этилади. Мамлакатимиз ер ости бойликлари, потенциал имкониятлари ниҳоят катта бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. Ер ости қазилма бойликларини қидириш, қазиб олиш ва улардан фойдаланиш ишларига бевосита хорижий сармоядорларни жалб этиш бу жараённи янада жадаллашишига хизмат қилади. Мазкур қонун, аввало, инвесторларнинг ишлаши учун ҳуқуқий муҳит, шароит яратиши билан беқиёс аҳамият касб этади. Аниқроқ айтганда, ушбу қонун хорижлик инвесторлар учун молиявий-ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Мазкур қонун лойиҳасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, фақат қазилма бойликларни қидириш, излаб топиш, қазиб олиш ва ўзлаштириш жараёни эмас, балки кўпгина инфраструктуравий тармоқлар, соҳаларда ишлаётган жамоалар (заводлар) меҳнати ҳам жалб қилинади. Янги иш жойлари яратилади.

Қонун лойиҳасида яна шу нарса назарда тутилганки, инвестор шартнома асосида қувур транспорти объектларига эркин кириб бориш ҳуқуқига, шунингдек, шартнома асосида қувур транспорти ва транспортнинг бошқа турлари объектларидан, фойдали қазилмаларни сақлаш ва қайта ишлаш объектларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Башарти, битимга оид ишларни бажариш учун зарур бўлган фойдали қазилмаларни сақлаш, қайта ишлаш ва ташиш объектлари бўлмаган ҳолларда, инвесторларнинг ўзлари шундай объектларни қуриш ҳуқуқига эга.

Бу жараёнда бир томондан инвесторлар (юридик ва жисмоний шахслар), иккинчи томондан эса давлат бевосита иштирок этади. Битимда томонларнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатилади. Қисқаси, қонун лойиҳасида хорижий инвестор билан давлат ўртасидаги қонуний муносабатлар ўз ифодасини топади. Ишонч билан айта оламизки, **"Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторлар учун ривожланган давлатлардаги каби янги имкониятлар яратиб беради.

Адлия тизимида

ЖИЗЗАХ

2001 йил январ ойида "Ватан ЛТД" аудиторлик фирмасининг тўрт нафар аудитори вилоятнинг тўртта хўжалигида ноқонуний текшириш ўтказгани аниқланди.

Жумладан, Жиззах вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари О.Абдураимовнинг 2001 йил 8 январдаги хатига асосан аудитор Э.Мамараҳимов "Жиззах" ижара ширкатлар хўжалигида, аудитор С.Мамараҳимов Баллаорол туманидаги "Истиқбол" ширкат хўжалигида, аудитор Х.Дўсматов "Пахтакор шароб" жамоа корхонаси ва аудитор Э.Ғойибназаров Баллаорол туманидаги "Садрваққос" акционерлик жамиятида 2000 йилда мазкур ташкилотларда моддий қийматлар, ёқилғи мойлаш материаллари, тайёр маҳсулотларнинг сақланиши ва сарфланиши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг аҳволи, дебитор ва кредитор қарзларнинг ундирилиши юзасидан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддаси 2 ва 3-бандларига зид равишда ноқонуний текшириш ўтказиб, текширишни "ўрганиш" деб маълумотномалар тузган. Аммо "текшириш-ўрганиш" бўйича молиявий таъминланиши назарда тутилган шартномалар тузилса-да, аудиторлар хизмат ҳақи олмаганлари ва мазкур ташкилотларга моддий ва маънавий зарар етказганлари аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан "Ватан ЛТД" аудиторлик корхонаси бошлиғи А.Горевой номига тақдимнома киритилди. Унга кўра, "Ватан ЛТД" аудиторлик фирмаси Жиззах филиали бошлиғи Э.Мамараҳимов ва аудитор С.Мамараҳимовларга ҳайфсан берилган, Х.Дўсматов ва Э.Ғойибназаровлар хизмат вазифаларидан озод этилган.

Истиқлол менинг тақдиримда

Қўчқор ТОҒАЕВ
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

КЕЧА ВА БУГУННИНГ САБОҚЛАРИ



Истиқлол халқимизга чексиз имкониятлар яратиб берганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Ота-боболаримизнинг азалий интилишлари, орзу-умидлари истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Истиқлол боис сўз, фикр, эътиқод, виждон эркинлигига эга бўлдик. Иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий, умуман айтганда, ҳаётнинг барча жабҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш орқали бахтли келажакнинг тамал тошини қўйишдек шарафга муяссар бўлмоқдамиз.

Мустабид тузум даврида дунёда қадимий маданиятга эга ўзбек деган халқ борлигини жуда кўп халқлар билмасди. Истиқлол берган имконият туфайли спортчиларимиз жаҳонга чиқди, юртимиз байроғини баланд кўтаришди. Айтинг-чи, қай бир ўзбек ўз юртдоши бўйнига жаҳон чемпионига аталган олтин медал тақилганини телевизорда кўрганда қувончдан кўзларига севинч ёшлари қалқимайди?! Мустақилликка эришгунга қадар дунёнинг ривожланган давлатларига ишчи ва деҳқоннинг, умуман айтганда, ўзбек боласи бориб ўқиши ҳақида гап бўлиши мумкинмиди?

Йўқ.

Одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳақида бирон-бир ёруғ фикр эшитганмидингиз? Асло. Чунки мустабид тузум даврида ҳеч қайси қонун халқ оммаси ўртасида ўрганилмасди. Фақат унга сўзсиз итоат этиш, бўйсуниш мажбурий эди.

Бугун баралла айтиш мумкинки, ўтган ўн йил мобайнида эркин, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг ўзига хос ва ўзига мос шакл-шамойили юзага келди. Шўро заминида қизил Москвада қандай қонун қабул қилинган бўлса, Ўзбекистонда шу нарса айнан кўчириб олинарди. "Ўзбек тили" деган сўзгина киритиларди, холос. Юртимизда қонун ижодкорлиги деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Шу боис кўр-кўрона қабул қилинган қонунга итоат ҳам кўр-кўрона бўларди.

Мустақиллик даврида энг аввало, ана шу иллатга тўла барҳам берилди. Ўтган ўн йил ичида мамлакатимизда Парламент шаклланганлиги, қонун ижодкорлиги йўлга қўйилганлиги энг катта ютуқларимиздан биридир. Бугун Конституция ва қонун кучи устувор бўлган демократик давлат қуриш йўлида барча ҳуқуқий омиллар ишга солинмоқда. Жамият ҳуқуқий асосларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қабул қилинаётган қонунлар халқимиз анъаналари, урф-одатларига мослиги, тарихий манбаларга, умуминсоний, қадриятларга таянилаётгани, жаҳон андозаларига мос тажрибалардан фойдаланилаётгани мустаҳкам замин бўлмоқда.

Ўн йил мобайнида Олий Мажлис сессияларида 300 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий манбалар моҳият-эътибори билан мамлакатимиз иқтисодини ривожлантириш, маънавий салоҳиятини юксалтириш, демократик жараёнларни чуқурлаштиришга қаратилган. Бундан ташқари улар республиканинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини ошириш, барча соҳаларда эркин фаолият юритишни рағбатлантиришни кўзда тутади.

Муҳтарам Юртбошимиз биз, адлия тизими ходимлари олдига ҳам улкан ва шарафли вазифалар қўйди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган тадбирлар шубҳасиз ислоҳот бобида ҳар биримиз сидқидилдан ҳаракат қилишимизни тақозо этмоқда.

Қуёши чарақлаб чиққан юртнинг эртанги куни порлоқ бўлади. Аждодлар руҳи шод этилаётган, гўдаклар ва аёллар қадри улуғланаётган ўлка мангуликка дахлдор. Ўтган ўн йил ичида юз йилларга татигулик ишлар қилинди. Халқнинг истиқлол айёми арафасидаги қувончу шодликлари ана шунинг ифодаси, келажаги нурли бўлишидан дарак.



СУРАТЛАРДА: *Пойтахт байрам арафасида (юқорида) Қутлуғ айёмимиз тантаналари куни Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналиши ишга туширилади.*

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Оталар дейдики:

Той минган — от ҳам минади.

* * *

Ботир жангда билинар, доно — машваратда.

* * *

Бўлар одам ёшида бош бўлар,
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.

ИНСОН ҲУҚУҚИ БОЛА ҲУҚУҚИДАН БОШЛАНАДИ

Тошкентда "Марказий Осиё ва Монголияда Ювенал адлия" мавзуидаги халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Монголиядан келган мутахассислар, ЮНИСЕВ, Буюк Британиянинг "Болаларни қутқариш" жамғармаси, Ўзбекистон — Очиқ жамият институти ҳамда нодавлат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Маълумки, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, аввало, бола ҳуқуқларига амал қилишдан бошланади. Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини халқаро меъёрларга мувофиқ ишлаб чиқилган 20 дан зиёд қонун ҳимоя қилади. Республикамиз инсон ҳуқуқлари, жумладан, болалар ҳуқуқлари борасида ҳам 60 дан зиёд халқаро конвенция ва шартномаларни ратификация қилган. Ўзбекистон болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги илк миллий маърузани БМТ Бола ҳуқуқлари қўмитасининг муҳокамасига қўйди. Ушбу маруза шу йилнинг сентябрида Женевада муҳокама этилади.

Инсон ҳуқуқлари Миллий Марказининг директори А.Саидовнинг таъкидлашича, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясига аъзо мамлакатлар олдидаги бугунги вазифа миллий ҳуқуқларни халқаро андозаларга мувофиқ ўзгартириш бўлибгина қолмай, уларнинг амалда бажарилиш йўлларини излашдан ҳам иборатдир.

— Марказий Осиё мамлакатлари ва Монголияда ювинал адлия миллий тизими эндигина шаклланаётир, - дейди конференцияда сўз олган ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Руди Родригес. – Шунга қарамасдан, ушбу мамлакатларда миллий қонунчиликнинг ювиниал адлия соҳасига халқаро андозаларни жорий этиш ҳамда вояга етмаганларга нисбатан одил судни амалга ошириш бўйича катта ишлар қилинаётгани диққатга сазовор.

1924 йилда қабул қилинган болалар ҳуқуқлари бўйича Женева Декларацияси бу борадаги илк халқаро ҳужжат ҳисобланади. БМТ тузилганидан сўнг 1959 йили БМТ Бош Ассамблеяси болалар ҳуқуқлари бўйича янги Декларация қабул қилди. 1985 йил БМТ вояга етмаганларга нисбатан одил судни таъминлашни кўзда тутувчи минимал стандарт қоидалар (Пекин қоидалари)ни, 1989 йилда эса Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилди. Ўзбекистон ушбу ҳужжатга 1992 йилда қўшилди. 1990 йили БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан учта муҳим ҳужжат - "Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган бошқарув тамойиллари" ("Ар-Риёд бошқарув тамойиллари"), "Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш қоидалари" ҳамда "Қамоқ жазоси билан боғлиқ бўлмаган чораларга нисбатан қўйилган минимал стандарт қоидалар" ("Токио қоидалари") қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ болалар оддий ҳуқуқлардан ташқари, иқтисодий эксплуатация, ёвузларча муомала ёки жазо, қуролли низолар пайтида ҳимоя қилиниш ҳуқуқларига эга. Халқаро талабларга мувофиқ вояга етмаган жиноятчилар устидан суд жараёни "ювинал судлар"да амалга оширилади. Бундай судлар АҚШ, Италия, Канада, Германия, Франция, Япония, Польша, Россия ва бошқа мамлакатларда ташкил этилган.

Хуршид ДАВРОН,
Олий Мажлис депутати

ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Скандинав халқлари тарихига бағишланган фильмлардан бирида шундай лавҳа бор: бола отасидан "Озодлик нима?" — деб сўрайди. Шундай ота кафти билан боланинг оғзини маҳкам ёпиб, унинг нафас олишига йўл бермайди. Бола жон талвасасида типирчилаб қолгандан кейингина, кафтини олади ва "Озодлик — бу ҳаво!" деб жавоб беради.

Мустақиллик ҳар биримизнинг эркин ва озод яшашимиз кафолатидир, тириклигимиз учун ҳаводай зарур, шунинг учун ҳам азиз ва муқаддас, шунинг учун ҳам истиқлол байрамини биз энг улуғ, энг азиз байрам, деб биламиз. Истиқлол энг аввало, инсоний қадр-қимматимизни қайтарди. Халқимизга ўз маросимлари, урф-одатлари ва анъаналарига амал қилиб, ўз менталитетига хос ва мос, эмин-эркин, дунёнинг бошқа халқлари қаторида ҳаёт кечириш имкониятини берди.

Мен – ўзбекнинг зиёлиси ўзимни қандай буюк миллатга мансуб эканлигимни англаган бўлсам-да, истиқлол бу ҳақда пана-панада ёки қўрқа-писа эмас, баралла айтиш ҳуқуқини инъом этди, номлари қатағон этилган улуғ аждодларимиз — Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрори Валий, Мирзо Улуғбек ҳақида асарлар яратиш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий ҳақиқатни ёлғон-яшиқсиз, юртимиз тарихида беқиёс ўрин эгаллаган даврларни рўй-рост ёзиш имкониятини берди. Бу имконият эса шу тупроқда яшаётган ҳар бир инсонда ифтихор ва ғурур ҳиссини уйғотди, умуминсоний тарихда ўзбекнинг ўрни борлигини яна бир карра исботлади. Мустақиллик байрами шунинг учун ҳам азиздир, муқаддасдир.

Мустақиллик ўзбекнинг фақат етиштириб берадиган халқ эмас, қудратли ижодкор халқ эканлигини намоён этди. Бу халқ дунё цивилизацияларидан бири бўлмиш она юртимизнинг бугунги кундаги муносиб эгаси эканлигини намойиш этди. Дунё илм-фанини, хусусан, исломий-маърифий илмларни йўргаклаган боболарнинг бугунги авлодлари, замонавий илму фан бўладими, мураккаб технологиялар соҳаси бўладими, ҳар соҳада етук ва муносиб ишларни амалга оширишга қодир эканликларини исбот қилдилар. Дунё спорт майдонларида, фан олимпиадаларида, мусиқа ва санъат кўрикларида ўзбек номи жарангламоқда. Олис космосда учиб юрган ҳар бир кемада Хоразмий, Мирзо Улуғбекнинггина эмас, бугунги ўзбек олимларининг ҳам ақли ва тафаккури мужассам эканлигини англашдан кўнгил равшан тортади. Уларни учирган мутахассислар бошқа давлатларнинг вакиллари бўлсаларда, улар донишманд боболаримиз елкаларида туриб фазога қўл чўзмоқдалар. Истиқлол шарофати билангина бугун бу ҳақда баралла айтиш ҳуқуқига эришдик. Мустақиллик байрами шунинг учун ҳам азиздир, муқаддасдир.

Миллий мустақиллигимизнинг қутлуғ 10 йиллиги нишонланаётган кунларда босиб ўтилган йўлимизга назар ташлаб ғурур ва мамнуният туямиз. Истиқлол ниҳоли бақувват ҳосилдор дарахтга айланди. У она заминга тобора чуқур илдиз отиб бормоқда. Бу дарахт шохларидаги мевалар уруғида озод ва фаровон келажак сийрати яширин.

ТАДБИРКОР – СУД ҲИМОЯСИДА

Маълумки, бугун мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Иқтисодиётимиз ривожи, хусусан, элимиз фаровонлиги бевосита тадбиркорлик фаолиятининг ривожига боғлиқ эканлиги ботбот уқтирилмоқда. Президентимиз шу йил 17 июл куни Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишида: **"...Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор"**, — дея таъкидлаган эдилар.

Шундай экан, бугун барча саъй-ҳаракатларимиз, қаерда ва қандай вазифада ишлашимиздан қатъи назар, хусусий тадбиркорликнинг ривожига ҳисса қўшишга, ҳеч бўлмаганда, уни қўллаб-қувватлашга қаратилмоғи лозим.

Афсуски, даврнинг ўзи олдимизга қўяётган бу масъулиятни ҳали ҳамма ҳам бирдек чуқур англаб етмаётганга ўхшайди. Яқинда хусусий тадбиркор Сергей Тен хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар "Оҳангаронцемент" ҳиссадорлик жамиятига қарашли "Ўй-жой хўжалиги" комбинатидан 796401 сўмни ва унга ҳисобланган 398.200 сўм жаримани ундириб беришни сўради.

Маълум бўлишича, С.Тен 1997 йилда "Ўй-жой хўжалиги" комбинатидан ижарага бино олиб, у ерда хусусий ошхона очади. Шартномага биноан техник хизмат кўрсатиш ва иситишни комбинат ўз зиммасига олади, хизмат ҳақи белгиланади.

Бироқ комбинатдагилар фақат қоғозга, яъни бинонинг қачонлардир чизилган чизмасига ишониб, ижара ҳақи, кўрсатилган коммунал хизматлар учун ҳақ ундиришади. Аслида тадбиркор тасарруфидаги ижара майдонининг ҳажми шартномада кўрсатилганидан камроқ бўлади. Тадбиркор буни кейинчалик тушуниб етади. Комбинат мутасаддилари эса бу ҳолатни билганлари ҳолда ломмим демай ортиқча ҳақни ундираверишади. Бунинг устига С.Теннинг ошхонасига умуман алоқаси бўлмаган, бироқ унинг қизи ишлайдиган фирманинг тўланмай қолган қарзи учун пеняни ҳам С.Тен ҳисобидан ундиришади. Бу учун фақат улар С.Тен қарздор фирмада ишлайдиган қизнинг отаси эканлигини "асос" қилиб олишади, суд жараёнида шартнома С.Теннинг қизи билан тузилганлигини айтишади. Хўш, шундай бўлса ҳам тўла муомала лаёқатига эга бўлган шахс тузган шартномага иккинчи, умуман ишга алоқаси бўлмаган шахснинг нима дахли бор?!

Хуллас, ишни ҳар томонлама ўрганиб, уни сайёр суд мажлисида — Оҳангарон шаҳар ҳокимияти биносида кўриб чиққан вилоят хўжалик суди 2001 йил 4 июнда ўзининг адолатли ҳал қилув қарорини чиқарди. Яъни тадбиркор Сергей Теннинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, унинг ҳисобига "Оҳангаронцемент" ҳиссадорлик жамиятига қарашли "Ўй-жой хўжалиги" комбинатидан 249882 сўм асосий қарз, 103889 сўм пеня ундирилди. Комбинат бош ҳисобчиси Л.Цойга нисбатан хусусий ажрим чиқарилиб, ундан 26728 сўм етказилган мулкий зарар ундириладиган бўлди.

Маҳмуда ИЗРАИЛБЕКОВА,
Тошкент вилояти хўжалик суди судьяси

Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Фармонни ўқиб

БАҒРИКЕНГЛИК

Халқимизга хос бўлган юксак инсоний фазилатлар жуда кўп. Улар ичида, айниқса, бағрикенглик, ҳимматталаблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш алоҳида ажралиб туради. Албатта, бу каби фазилатлар халқимиз табиатида ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Президентимиз таъбири билан айтганда, ўзининг куч-қудрати, эртанги ёруғ кунига ишонган халқгина юксак инсонийлик намуналарини кўрсатишга қодирдир.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида халқимизнинг яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳияти билан уйғун тарзда олижаноб фазилатлари ҳам тўла намоён бўлди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, истиқлолга эришганимиздан буён ўтган қисқа давр давомида Президентимизнинг маҳкумлар ва айбдорларни авф этишга қаратилган ўндан зиёд Фармонлари эълон қилинди. Мазкур Фармонларнинг шарофати билан қанчадан-қанча ҳаётда адашган кишилар озод турмуш тарзига қайтди. Улар ҳаётда ўз ўрнини топиб, ҳалол меҳнати билан гуноҳини ювмоқда.

Йиқилган кимсани суяш, адашганга йўл кўрсатиш — бир сўз билан айтганда, олижаноблик, бағрикенглик ва меҳр-мурувват кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг етакчи тамойилидир. Куни кеча Президентимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан эълон қилинган **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармони ўзининг қамрови кенглиги, инсонпарварлик тамойилларига йўғрилгани туфайли улкан аҳамиятга эга. Чунки мазкур авф тадбири муносабати билан ўн минглаб маҳкумларнинг муддатидан илгари жазодан озод этилиши давлатимиз ва Президентимизнинг чинакам халқпарварлиги ҳамда бағрикенглиги намунасидир.

Амнистия тўғрисидаги янги Фармоннинг эълон қилиниши юртимизда инсон эрки ва шаънининг нақадар эъзозланишини яна бир бор оламга кўз-кўз этди. Зеро, инсон қадрланган жойдагина умр ҳаловатли, турмуш фаровон бўлади, тинчлик-осойишталик, баҳамжиҳатлик ҳукм суради. Эзгулик одамларни олижанобликка чорлайди. Муайян сабаб билан йўлдан адашган кимсага йўл кўрсатишдан ортиқроқ савоб бормикан дунёда?!

Шу боисдан ҳам ушбу Фармон ҳамюртларимиз томонидан зўр хурсандчилик билан кутиб олинди, у халқимизнинг руҳиятини кўтариб юборди. Буни юртдошларимизнинг бу ҳақдаги мулоҳазалари ҳам исботлаб турибди.

Раҳимбой РЎЗИМОВ, *"Туямўйин" ГЭСини бошқариш корхонаси ходими*:

— Сирасини айтганда, ҳаммамиз бундай бағрикенглик намунаси Президент Ислом Каримов томонидан намойиш этилишига иконий яшаётгандик. Мана, у намоён бўлди. Бу - ўз халқига муносиб Йўлбошчига хос фазилат. Мен Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида яшайман. Ўзимнинг жайдари ҳисоб-китобимга қараганда, биргина бизнинг туманимиз бўйича билиб-билмай жиноят содир этганларнинг кўпчилиги жазодан озод этилади. Ўйлайманки, улар энди барча мурувват ҳақ йўл учун энг яхши имкон эканлигини дилдан ҳис этади.

Севара ҲУСАНОВА, *Республика саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти шифохонасининг ҳамшираси*:

— Уч нафар фарзандим бор. Ҳалол умргузаронлик қилиш, қинғирликка нисбатан муросасиз бўлишни тарбиянинг асоси деб биламан. Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармонини бутун жамоамиз ва оиламиз билан бирга ўқиб чиқдик. Унда юксак меҳр-оқибат намуналари мужассамлашган. Президентимиз адашганларга истиқболда такрор адашмаслик, тинч меҳнат ва ҳаёт бағридан ўрин олиш учун яна имкон бердилар. Ўйлайманки, ушбу саховат йўлдан адашганлар учун бир умрлик сабоқ бўлиб қолади.

Ҳасан ХАЙИТОВ, *Чироқчи тумани жиноий ишлар бўйича судининг раиси*:

— Мана бир неча кундирки, "жиноий иш"ларни қайта кўриб, ҳаракатдан тўхтатиш чораларини кўриш билан бандмиз. Сир эмас, авваллари суд залидан хомуш ва синиққан ҳолда чиқиб кетаётган кишиларга кўпроқ дуч келардик. Шу кунларда эса бунинг акси. Одамлар дили қувонч ва ҳаяжондан энтикади. Ўйлаб кетасан киши: истибдод замонасида ҳеч бир раҳбар ўз халқига нисбатан бу янглиғ иноят кўрсата олармиди? Истиқлолнинг улкан шарофати ҳам шу-да — барча эзгу ниятлар рўёбга чиқяпти.

Кўриниб турибдики, Президентимиз томонидан эълон қилинган авф тўғрисидаги Фармон юртдошларимизнинг эзгу туйғуларини тўлқинлантириб юборган. Дарҳақиқат, ушбу Фармон чинакам бағрикенглик нишонаси бўлиши баробарида халқимизни эзгу мақсад ва эзгу ишларга чорлайди. Бу тадбир инсон қадри эъзозланаётган жамиятимизда барча эътибор бунёдкорликка, миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қаратилигининг амалий исботидир.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Биз бу кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ. Озодлик йўлида халқимиз беҳисоб қурбонлар берган. Бугунги ёруғ кунлар учун ҳаётини бағишлаган минглаб миллатпарвар фидойи инсонлар шафқатсиз қатағонга учраган. Улар орасида зиёлилар, қанчада-қанча косиб ва деҳқонлар, ҳунармандлар, бир сўз билан айтганда, турли миллатга мансуб юз минглаб оддий одамлар бор эди.

Ўз вақтида турли ноҳақ айблар билан отилган, бекафан, бежаноза кўмиб ташланган кишиларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳам хўрлик ва ҳақоратга маҳкум этилган эди.

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда истибдод қурбонлари шаънини тиклаш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида **"Шаҳидлар хотираси"** *зиёратгоҳи бунёд этилди.*

2001 йил 1 май куни Президентимизнинг **"Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"***ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонга кўра, ҳар йили 31 август куни — Мустақиллик байрами арафасида* **"Шаҳидлар хотираси"** *ёдгорлик мажмуида қатағон қурбонларини ёд этиш маросими бўлиб ўтади. Шунингдек, зиёратгоҳда* **"Қатағон қурбонлари хотираси"** *музейи ташкил топади.*

Истибдод қурбонлари ва уларнинг авлодларига бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши, адолатнинг тантана қилиши юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди. **"Шаҳидлар хотираси"** *хайрия жамғармасига келаётган юзлаб миннатдорчилик хатлари шундан далолат беради. Зеро, яқин ўтмишдаги беомон қулфатлар ва унинг қурбони бўлганлар хотираси бизни доимо ҳаётга очиқ кўз билан қарашга, бундай қора кунлар қайтиб халқимиз бошига тушмаслиги учун ҳамиша сергак, курашчан бўлиб яшашга, дориломон кунларнинг, Ватаннинг қадрига етишга даъват этади.*

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРАСИ УНДАН АЗИЗ

МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲ

Бугун "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи барпо этилган ҳудуд бир пайтлар кундузи одам юрса қўрқадиган мудҳиш жойлар эди. Айниқса, 30-йиллардан бошлаб кечалари "қарс-қурс" ўқ овозлари чиқа бошларди. Теварак-атрофда истиқомат қиладиган одамлардан баъзи бир довюраклари тунлари қўрқа-писа панадан туриб кузатишарди. Қарашса, бу ерда одамлар қатл қилинар экан. Лекин бу тўғрида суриштириш, гапириш, овоза тарқатиш қатъиян тақиқланган эди.

Аммо эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Орадан кўп ўтмай маълум бўлдики, "темир" Феликиснинг "шоввозлари", чиндан ҳам бу ерни ўзларининг "севимли" қатли ом жойларига айлантириб олишипти. Қоронғи кечаларда баъзан ўнлаб, баъзан эса юзлаб одамларни шу ерда отиб, шу ерда "гум" қилишар экан. Улар халқимизнинг энг сара ўғлонлари, юраги ҳамиша озодлик билан тепган, ўз Ватанини мустақил кўриш орзусида ёниб яшаган ойдинлар, мунавварлар эди.

Истиқлол йилларида Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан бу жойлар обод зиёратгоҳларга айлантириши савоб ишларнинг савоби бўлди.

Бугун "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи халқимизнинг энг мўътабар зиёратгоҳларидан бирига айланди.

Бугун шу ёдгорликни қурган ва уни зиёрат қилаётган одамларнинг бошлари узра минглаб, балки ўн минглаб шаҳидларнинг руҳи шод бўлиб, парвоз қилиб юрган бўлса, ажаб эмас.

Мустабид тузум даврида жазо органлари маҳаллий халққа қарши курашда турли нопок йўллардан фойдаланганлар. Жумладан, улар қамоққа олинганларни жисмоний қийноқларга дучор қилиш билан бирга руҳий эзиш, иродасини синдириш, инсоний ғуруруни камситиш, изат-нафсини таҳқирлаш йўлидан ҳам борганлар. Бу ғаразли мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтган эмаслар. Масалан, атоқли адабиётчи ва адиб Фитратни қамоққа олишдан аввал унинг уйида тинтув ўтказилди. Хўш, терговчилар унинг уйидан Фитратнинг "жиноятн"га алоқадар нималарни олиб кетишган? Аёлларнинг шоҳи костюми, шерст юбка, эркакларнинг жигарранг палтоси, тўртта қавилган кўрпа, иккита палос, битта гилам, соат, жовон, керосин билан ёндириладиган самовар, юмшоқ стуллар, битта ёзув столи, иккита сандиқ, мусиқа асбоблари, шахмат, ҳар хил ликопчалар, лаганлар, 13 та пичоқ, 16 та санчқи, 8 та темир қошиқ, 22 та ёғоч қошиқ, 82 та ҳар хил китоб ва бошқалар. Бу буюмларнинг "жиноят иши"га нима даҳли борлигини минг ўйласангиз ҳам тополмайсиз. Мусодара қилиш учун олиб қўйилган, десангиз, уларнинг ҳеч қайсиси тузукроқ қимматга эга эмас. Хуллас, Ватан, миллат озодлиги йўлида шаҳид кетган бу муҳтарам зотлар, уларнинг авлодлари ана шундай мислсиз таҳқирларга, ақл бовар қилмайдиган хўрликларга чидашга мажбур бўлганлар.

Бу мисоллар денгиздан томчи, холос.

Улар, шаҳид кетган Ватан ўғлонлари чинакамига элу юртни севган, озодлик иштиёқи билан ёнган ҳақиқий мард, фидокор, жасур одамлар бўлган. Улар инсонга бир марта бериладиган энг буюк бойлик, энг бебаҳо неъмат – ўз ҳаётларини Ватан учун фидо қилдилар. Шунинг учун ҳам бугун замондошларимиз уларнинг хотирасини муқаддас билиб, номларини ёд этиб, руҳларини шод қилмоқдалар.

Шаҳидлар хотирасига бағишланган ёдгорлик юртимизнинг ҳар бир вакили учун энг муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолади. Бу ерга келиб, шаҳидлар ҳақида тиловат қилган ҳар бир инсон яна бир карра уларнинг ишини давом эттириш, мустақил юртимизни обод қилиш, ҳаётимизни фаровон этиш учун ўша қаҳрамонлардек фидокорлик билан иш юритишга жазм қилади.

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
"Жаҳон адабиёти"
журналининг
бош муҳаррири

КАТТА КАРВОН САФИДАМИЗ

Азизлар!

Қатағон йилларида ноҳақ қамалган, умри хазон бўлган акам Абдул Азимшоҳ ҳақида ёзишни сингиллик бурчим, деб биламан.

Узоқ йиллар мобайнида, ёшлигимдан токи яқин-яқингача "аксилинқилобчилар", "савдогарлар" деб камситилиб келганман, таъна ва тазйиқлар жон-жонимдан ўтиб кетган.

Аллоҳга минг қатла шукрким, буюк бахт – озодликни кўрмоқ, унинг имкониятларидан баҳраман бўлмоқ, ҳақиқатга етишмоқ, буюк келажак сари интилаётган катта карвон сафида бўлмоқ миллионлар қатори менга ҳам насиб этди.

Бизнинг оиламиз Чортоқ шаҳрида яшаган.

Отам — Самандар Искандаров ўша даврнинг зиёли савдогарларидан бўлиб, ғайратли, ишбилармон киши эди.

Отамни ҳеч тинч қўйишмас эди. Тўсатдан уйимизни тинтув қилишар, уни қамашар, бир неча кундан сўнг яна қайтиб келар, сўнг яна қамашар эди.

1941 йилнинг бошида акам Абдул Азимшоҳни ҳам қамадилар. У қамалгандан кейин уйимиз яна бир неча бор тинтув қилинди. Акамни "аксилинқилобчи" дея айблашди. Шу билан унинг армонли қисмати тугади, эндигина ўн саккизга кирган ўқувчи ўша замонда шунга журъат қилишига ҳозир ҳам ишонмайман. Нега уни отдилар, билмадик, билолмадик...

Шукурки, Мустақиллик туфайли орзу-армонларимиз рўёбга чиқди. Ҳурматли Юртбошимиз қатағон даврига, бу давр қурбонларига ўзининг одилона баҳосини берди, қатағон қурбонлари руҳини шод этувчи хайрли ишларни амалга оширди, мулкдорлар, ишбилармонларга бўлган муносабатимизни кескин ўзгартирди. Натижада менга ўхшаган кўнгли шикаста одамлар ҳам қадр топди, ўз аждодларини қўрқиб эмас, балки фахрланиб эслайдиган бўлди.

Муборак САМАНДАРОВА,
Наманган вилояти

БУ ВОҚЕАГА ЯРИМ АСРЧА БЎЛДИ...

1953 йили Алвасти кўприк яқинидаги 5-гишт заводида ҳайдовчи бўлиб ишлардим, тупроқ таширдим. Алвасти кўприк яқинидан тупроқ олаётганда Миролим ака деган киши: "1937-38 йилларда бу ерга одамлар олиб келиб отилган. Аввал уларнинг суякларини йиғиштириб олайлик", - дегани ёдимда.

Биз тупроқ олишда давом этдик. Кейинги кун Миролим ака айтган жой очилди. Чуқурликда одамларнинг майитлари устма-уст қалашиб ётарди. Улар ўша – отилган пайтда қандай бўлса, шундай кўринишда эдилар. Бироқ усти очилиши билан бир ҳовуч суякка айланарди.

Мени ҳайратга солган яна бир нарса шу бўлдики, маҳбуслар кийим-кечаги аксарият ҳолда сақланган. Ҳатто чирий бошлаган қоғозлар ҳам чиққан. Лекин уларни ўқиб бўлмаган, тўкилиб кетган.

Шунга ҳам ярим асрча бўлди, аммо ҳамон кўрганларим кўз олдимдан кетмайди.

Ўғил-қизларим, набираларим билан "Шаҳидлар хотираси" зиёратгоҳини айланар эканман, қатлгоҳлар ўрнида қатағон қурбонлари руҳини шод этувчи шундай бир мўътабар масканни яратган, савобли ишларга бош-қош бўлаётган раҳбаримиз ҳаққига дуо қиламан, шаҳид кетган аждодлар руҳи ҳар доим у кишини қўллаб-қувватласин, дейман.

Ҳусан ТОЖИБОЕВ
Тошкент шаҳри

УКРАИНАДАН КЕЛГАН ХАТ

Бизда байрамлар кўп, аммо энг улуғ, энг азиз – мустақиллик байрамимиз арафасида қатағон қурбонларининг ёд этилиши буюк ҳикматга эга, табиатимизга мос бир эзгу ишдир.

Эл-юрт озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номуси учун курашларда шаҳид кетганларни, бир неча асрлар мобайнида давом этган истибдод қурбонларини шу муборак айём арафасида ёд этмасак, қачон ёд этамиз?!

Мен, Украинага сургун қилинган мирободлик Абдулҳай Мадалимовнинг фарзандларидан бириман. Ҳозир 72 ёшдаман. Отамиз 1937 йили қувғинда вафот этган.

Яқинда Абдумалик акам билан Украинадаги ватандошларимиз дафн этилган жойларни зиёрат қилиб қайтдик.

Атай шу ниятда келганимизни, бу борада мамлакатимизда кўп хайрли ишлар қилинаётганини эшитиб, украиналик биродарларимиз қаттиқ таъсирландилар. Яқинда улар ўз кечинмаларини ёзиб юборишди, унда, жумладан, шундай дейилади: "Ўзбекистон ҳукумати ва халқи Ватан озодлиги йўлидаги курашларда, қатағон даврида қурбон бўлганларнинг, шунингдек, фашизмга қарши курашда ҳалок бўлганларнинг пок номларини тиклаш ва абадийлаштириш, адолатни рўёбга чиқариш борасида қилаётган амалий ишлар, "Шаҳидлар хотираси", Хотира майдони, Хотира ва қадрлаш куни, Қатағон қурбонларини ёд этиш куни ҳақида эшитиб, тўлқинланиб кетдик.

Булар барчаси қардош ўзбек халқи ўзининг минглаб шавкатли фарзандлари хотирасига муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатаётганидан далолат беради.

Бундай халқ ўз озодлигини мардона ҳимоя қилиб, буюк келажак яратишга қодирдир.

И.В.ЛЕКОВИЧ
Херсон вилояти,
Цюрупин тумани
Великие Копани халқ депутатлари қишлоқ кенгаши раиси.

Иван Лекович ўз хатининг ниҳоясида хайрли ишлар қилишдан асло толмаганлар, чунки эзгулик оламга файз бағишлайди, деган. Бу самимий тилакка изоҳнинг ҳожати йўқ, албатта.

Абдулаҳад МАДАЛИМОВ,
Тошкент

"ОТАНГНИНГ ТЎППОНЧАСИ ҚАЕРДА?

1932 йил эди. Кўчада ўйнаб юрган эдим. Икки отлиқ аскар келиб, дарвозамиз олдида тўхтади. Бордим. "Кимнинг ўғлисан?"-деб сўрашди. Айтдим. Биттаси чўнтагидан оқ қанд чиқариб, кўз-кўз қилди. Сўнг:

- Отангнинг тўппончаси қаерда эканини айтсанг, шуни бераман,- деди.

- Билмайман, - дедим мен.

Иккови отдан тушди. Мени бошлаб, уйга киришди. Отам уй тўрида, чордана қуриб ўтирган экан. Аскарлардан бири унга милтиғини ўқталиб: "Қимирлама!" - деди. Иккинчиси уйни тинтув қилди. Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб, ҳеч нарса топа олмади.

- Қурол қани, полвон? - деди улардан бири.

- Қанақа қурол? - деб сўради отам ҳайрон бўлиб.

- Гапни айлантирма, - деб ўдағайлади қизил аскар.

- Тур ўрнингдан, биз билан кетасан.

- Қаёққа?

- Отделга...

Отам шу тариқа қатағонга учраган. Унинг оти Ҳамро Полвон эди.

Мустақилликнинг ўн йиллиги муносабати билан менинг отам ҳақида ҳам ёзиб чиқишди. Биз шуни ўқиб, анча-мунча воқеаларни билиб олдик. У ҳам минглаб қатағон этилган шўрпешоналарнинг бири бўлган экан.

Мустақиллик бўлмаса, бу кунлар қаёқда эди!

Дунёда адолат бор эканки, шунча вақт ўтиб, қатағон қурбонлари эсга олинмоқда, уларнинг хотирасига ҳурмат кўрсатилмоқда.

Камол ҲАМРОЕВ,
Шофиркон тумани

КЕЧМИШ САБОҚЛАРИ

Отам-Абдувосе Юсупов 1937 йили қатағон этилган. Биз у пайтда Наманган шаҳрида яшар эдик. Отам ҳуқуқшунос бўлиб, қатағон қилинган вақтда прокурор бўлиб ишлаган. У қамоқ жазосига тортилгач, лагерларнинг бирида вафот этган. Бизни амаким ўз қарамоғига олган.

Мени ҳайрон қолдирадиган нарса шуки, наҳотки ҳуқуқшунос ўзини-ўзи ҳимоя қила олмаса?!.

Мана шунинг ўзи ҳам биз қандай ёвуз жамиятда яшаганимизни тўла ойдинлаштиради. У кунларни душманимга ҳам раво кўрмайман. Озодлик бизга ўз ҳақ-ҳуқуқимизни қайтарди. Шу имкониятдан фойдаланиб, аждодлар олдидаги инсоний қарзни узар эканмиз, ўйлайманки, истиқлолни кўзга тўтиё этсак, арзийди.

Рустам ЗУЛУНОВ,
Андижон шаҳри

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

Бувим Карима Мамадали қизининг ёшлиги 30-йилларнинг ноҳақ зулмлар авж олган палласига тўғри келган. Ҳозирда 70 ёшни қоралаган бувимнинг хотиралари ғамгин, маъюс ва маҳсундир.

— Ўша пайтда ёш қизча эдим, — деб ҳикоя қиладилар бувим. — Бойларни қулоқ қилиш, жабр-зулм, жазолашлар авжига чиққан вақтлар бобомнинг мисқоллаб йиққан мол-мулки бошимизга бало бўлди. Аввалига бобом Қоплонбойни олиб кетишди. Кейин бошқа ўзига тўқ кишиларни ҳам ҳибсга ола бошлашди. Отам шундан юраги безиллаб қарамоғидаги сигир, қўй-қўзиларни ўз ихтиёри билан олиб бориб топширди. Аммо бу ҳам отамнинг жонига аро кирмади. У кишини ҳам қамоққа тиқишди... Шу кўйи у қайтиб келмади. Онам, акам ва мен ҳувиллаган, тинтув қилинавериб, вайрон бўлаёзган ҳовлида зор қақшаб қолавердик.

...Қишнинг изғиринли кунларидан бири. Уйда егуликка ҳеч вақо йўқ. Ноинсофлар кўрпа-тўшагимизгача тортиб олишган. Бекободда бир амакимиз яшарди. Шу кишини қора тортиб, йўлга тушдик. Ўша кун сира ёдимдан чиқмайди: совуқдан даг-даг қалтираб, вокзал томон борар эканмиз, йўлда очлиқдан силласи қуриган одамлар тез-тез учраб турарди.

Ўшанда вокзалда поезд келишини кутиб турган пайтимиз башангроқ кийинган, чиройли бир аёл қаршимизга келиб, онам билан илиқ сўрашди.

— Опа, аҳволингиз жуда абгор кўринади? — деди у ачиниб.

— Нимасини айтасиз...

Аёл бизга ачиниш билан қараб турарди.

— Шу битта қизингизни менга бера қолинг. Насиб қилса, яхши кунларда кўришармиз.

Онам бизни маҳкам қучиб олди. Очлик ва совуқдан азбаройи қийналганим учун тезроқ иссиқ ўрин, ширин патир истаб, "Мени ола қолинг", дебман. Аёл эса синглим Салиманинг қўлидан тутди. Салима жудаям нозик, совуқдан кўкариб, бир аҳволда турарди. Онам берай деса, синглимни кўзи қиймасди, бермай деса, очлиқдан қўрқарди. Ниҳоят, йиғлаб-йиғлаб:

— Қизимни сизга, сизни худога топширдим, — деди у.

Шундай қилиб, ўша нотаниш аёл синглимни олиб кетди. Биз эса юк ташувчи поезднинг темир ортилган вагонига чиқиб, минг азобда Бекободга етиб келдик. Амакимни ҳам топдик. Бироқ онам юм-юм йиғларди. Азбаройи соддалигимиздан Салимани олиб кетган аёлнинг манзилини ҳам сўрамаган эканмиз.

Хуллас, мустабид тузум оиламизда аянчли из қолдирган. Биз бобомиз, отамиздан айрилдик. Гулдек синглимизни ҳам изсиз йўқотдик. Кейинчалик Пискентга кўчиб келдик. Акам ҳам, мен ҳам оилали бўлдик. Кейинчалик синглим Салимани кўп сўраб-суриштирдик, лекин тополмадик. Ҳеч қаердан унинг дараги чиқмади. Онам ҳам бу дунёдан армон билан ўтди. "Салимагинам балки ҳаётдир, оилали бўлиб кетгандир, у билан дийдор кўришиш насиб қилармикан?" — дея онам сўнгги нафасигача йўлга илҳақ бўлиб қаради.

...Кексаларимиз ҳар доим дуога қўл очганларида юрт тинчлиги, тўкин-сочинлигини сўрашади. Бунинг замирида катта ҳикмат бор. Зеро, инсон оиласи бағрида, ёр-дўстлари даврасида жигар-гўшалари дийдорига қониб-қониб яшасагина армонсиз, тўкис бахтга эришади.

Тилагимиз шуки, ҳамиша осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз тинч ва осойишта бўлсин!

Камола БАРАТОВА,
Пискент туманининг
Муротали қишлоғи

Қонунларимиз тарихи

УМРБОҚИЙ ҚОНУНЛАР

Истиқлол халқимизга ўз ўтмишидан куч-қувват олиш ва келажакка ишонч билан қараш имконини берди.

Шу боис Соҳибқирон Амир Темурга кечаги муносабат билан бугунги муносабат ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки бугун халқимиз ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган экан, Амир Темур сингари юзлаб улуғ аждодларимиз қолдирган бой маънавий мерос, тенгсиз ўгитлар бу борада муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Соҳибқирон ҳукмронлиги даврида "Куч адолатдадир!", — деган шиорга қатъи амал қилган. Унинг жуда улкан ва буюк давлат барпо этишида, салтанатни бекаму кўст бошқаришида ушбу шиор улкан аҳамият касб этган.

Соҳибқирон энг аввало, қонун устуворлигини биринчи даражага кўтарган, бу адолатли сиёсатнинг негизини ташкил этган. Агар "Тузуклар"га назар ташласак, жиноятга қўл урган ҳар бир фуқаро, у ким бўлишидан қатъи назар, қонун олдида жавоб берганига амин бўламиз. Соҳибқирон давлатга душманлик кайфиятида тинчлик ва осойишталикка рахна солмоқчи бўлган ҳар қандай раиятни — у ўз ўғли, набираси, қавми қариндошлари бўладими ёки оддий фуқародан тортиб, амиру вазир бўладими — муқаррар жазога гирифтор этган. Хусусан, Соҳибқирон амрига биноан, агарда набиралар ёки қавм-қариндошлар душманлик қилишса, улар маошидан маҳрум қилиниб, дарвеш ҳолатига солинган. Амирлар ёғийлик йўлини тутса, улардан мартабаси ва ерлари тортиб олинган, ғанимлик кўчасига кирган сипоҳлар ишдан бўшатилган ва бошқа ишга ўтказилган.

Шу ўринда бир ҳаётий мисолга мурожаат қилайлик: бир куни Амир Темурнинг яқинларидан бири амир Аббосга душманлик қилиб, Соҳибқирон юрагига ҳасад ўтини ташлайди. Унинг иғво сўзларига ишонган Амир Темур қалбан ва виждонан пок бўлган амири Аббосни ўлимга маҳкум этади. Кейинчалик хато иш қилиб қўйганини англаб, қаттиқ азият чекади. Аммо энди кеч бўлган эди. Соҳибқирон бу аччиқ хатодан тегишли сабоқ чиқаради. Шундан сўнг у айбдор деб топилган кишини жазолашга ҳеч қачон шошилмайди. Бировнинг гуноҳи тўрт кишининг гувоҳлик бериши билан тасдиқланган ҳолдагина жазо тайинлашни ўзига одат қилади. Соҳибқироннинг гуноҳкорга жазо беришда шошилмаслиги жуда кўплаб ҳалол инсонларни, хусусан, давлат таянчи бўлмиш икки амир — Ики Темур ва Жокуни ҳам ўлим чангалидан сақлаб қолади.

Амир Темур ўз фаолияти давомида қонун устуворлигига қатъиқ риоя қилганини раият орасида ҳам, сарой аҳли даврасида ҳам катта мавқеъга эга бўлган амирларнинг жиноятлари кечирилмай жазоланганлигидан ҳам кўрса бўлади. Испаниялик элчи Руи Гонсалес де Клавихо хотираларида қайд этилишича, 1404 йил 9 октябр куни жангдан қайтган Соҳибқирон ўзининг йўқлигидан фойдаланиб, гўштни қиммат сотган айрим қассобларни, маҳсулотлари нархини кўтариб юборган махсидўз ва этикдўзларни қаттиқ жазога тортади ва бозорларда адолат ўрнатади. Шу билан бирга мансабларини суиистеъмол қилиб, халқнинг норозилигига сабабчи бўлган амирлар Муҳаммад Довуд ва Муҳаммад Жалдни ҳам қатл эттиради.

"Тузуклар"да ёзилишича, қайси бир сипоҳий, қадхудо (қишлоқ оқсоқоли), колонтар (шаҳар ҳукмдорларидан бири) ҳаддидан ошса, қўл остидаги кишиларга зулм ўтказса, улар зулмига яраша жазоланган. Соҳибқироннинг адолатпешалиги, қонун устуворлигига ҳеч қачон оғишмай амал қилганлигини бошқа ўнлаб мисолларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, таниқли француз олими Аюсейн Кэрэн "Темур хоқон салтанати" номли китобида ёзишича, буюк жаҳонгир 1395 йил 15 апрелда Каспий денгизи соҳилида Тўхтамишхон билан жанг қилиб, уни енгади ва беҳисоб ўлжа билан Ватанига қайтади. Самарқандга келгач, у ўзи узоқ вақт йўқлигида салтанат ичида юз берган воқеалар баёнини чуқур таҳлил этади ва нарх-навони ҳаддан ташқари кўтариб юборган савдогарлар ҳамда бошқа айбдорларни жазога тортади, бева-бечораларга кийим-кечак, озиқ-овқат улашади, салтанат фуқароларини уч йилга барча солиқлардан бутунлай озод этади.

Амир Темурнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзиб қолдирган: "Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим, раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим".

Амир Темур ўғри, қароқчи, умуман айтганда, нопок йўл билан кун кечирмоқчи бўлган кимсаларга шафқатсиз муносабатда бўлган, уларни жуда қаттиқ жазо тури — "Ёсо" қонун-қоидаларига кўра жазолаган. Шу боис мамлакатда ўғри ёки қароқчи кимсалар деярли учрамаган. Араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ "Амир Темур тарихи" номли китобида ёзишича, Темур даврида раият ўғрилик қилишга журъат этолмаган. Бир кун қаср қурувчилардан бирининг бияси йўқолиб қолади. Бинокор ўғрилик содир этилибди, деб ўйлайди. Аммо орадан 6 ой ўтгач, у биясини "Тахтақорача" деб номланувчи боғдан топиб олади ва Амир Темур давлатида ўғрилик содир этилмаслигига амин бўлади. Амирнинг фармонига биноан ҳар бир шаҳар ва қишлоқда қутвол тайинланиб, сипоҳлар соқчилик қилган. Бировнинг бирон нарсаси йўқолса, масъулияти уларнинг зиммасига тушган.

> *Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим.*
>
> **Амир ТЕМУР**

Амир Темур даврида қозиликнинг икки тури мавжуд бўлиб, ислом қозиси шариат ишларининг бориши, аҳдоз қозиси дунёвий ишларнинг ижроси ҳақида ҳоқонга ҳисобот берган. Салтанатдаги ҳар бир идорада кирим-чиқимлар, кундалик харажатлар котиб томонидан ёзиб борилган. Бу ҳолат арзномалар тушганда, текширув ишлари олиб борилганда қўл келган.

Соҳибқирон ҳукмдорлиги даврида фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишилар, эзма-бекорчи одамлар мамлакатдан ҳайдалган, салтанатдаги гадолар иш билан таъминланган.

Амир Темурнинг алоҳида эътиборга молик хусусиятларидан яна бири шундаки, у жоҳилу нодон дўстдан ақлли душманни, кўнглида шубҳа билан яшовчи сипоҳдан ватанпарвар ёғий лашкарини устун қўяган ва улар устидан ҳукм чиқаришда адолат тарозуси асосида иш тутган. Шу боис салтанатда билимли кишилар, ватанпарвар инсонлар, уста-ю ҳунармандлар эъзоз топган.

Буюк жаҳонгир даврида ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкарда ички аҳволдан ҳоқонни хабардор этиб турувчи, хабар ёзувчи — хабарнавислар фаолият кўрсатган. Улар ҳокимлар, раият, сипоҳ ва ички аҳвол тўғрисида жаҳонгирни хабардор этиб туришган. Уларнинг хабарларига кўра, Амир Темур ҳукмлар чиқарган. Агарда бўлиб ўтган адолатсизликларни, воқеаларни хабарнавист ёзиб, амирга етказмаса ёки хабарларга бошқа "либос кийдириб" ёзса, бундай хабарчининг қўли кесилган. Агар улар хабарларга ёлғон қўшса ёки бирор ғаразли мақсадни кўзлаб ёзсалар, бундай ёзувчилар қатл этилган.

Салтанатда солиқ тизими мустаҳкам қонун асосида адолатли тарзда амалга оширилгани юксак аҳамият касб этаган. Солиқ сувли ер учун алоҳида, лалми ер учун алоҳида белгиланган. Хирож йиғишда солиқ тўловчининг оғир аҳволга солиш мамлакатни қашшоқликка, салтанатни кучсизлантиришга олиб келувчи жараён, деб қаралган. Шунинг учун ҳам ҳосил ва даромад ҳисобга олиниб, солиқ олинган. Сувли ердаги ҳосилдан солиқ олишнинг асосан 4 та тури мавжуд бўлган. Солиқнинг биринчи тури ҳосилни уч қисмга бўлиб, 2 қисми деҳқонга қолдирилган, 1 қисми давлатга олинган. Солиқнинг иккинчи тури олинган ҳосилнинг учдан бирининг шу вақтдаги нархида давлатга нақд пул тўлашдан иборат бўлган. Солиқнинг учинчи тури ҳисобга олинган экин майдони уч жариб (1 жариб 958 метр квадрат)га бўлинган, ажратилган биринчи жарибдан олинган ҳосилнинг 3 харвори (1 харвор 300 кило), иккинчи жарибдан 2 харвори, учинчи жарибдан 1 харвори йиғиб олинган. Бунинг ярми буғдой, ярми арпа деб ҳисобланиб, учга бўлинган. Бўлинган ҳосилнинг 2 қисми деҳқонга насиб этган, 1 қисми солиққа олинган. Солиқнинг тўртинчи тури бир харвор буғдойга бир харвор буғдойга беш мисқол (24 грамм), бир харвор арпага икки ярим мисқол (12 грамм) кумуш миқдорида солиқ тўланган.

Шу ўринда "Нега Амир Темур даврида ягона солиқ тизими ёки қонуни жорий этилмаган?" — деган савол туғилиши турган гап. Солиқнинг бир неча турга бўлиниши, аввалambор, деҳқонга солиқ турини ихтиёрий танлаш ҳуқуқини берган. Иккинчидан, яхши ишлаган, юқори ҳосил олган деҳқон солиқнинг учинчи турини танлаганки, у кам солиқ тўлаб, катта фойда олган. Чунки солиқнинг 3-турида ер уч жарибга бўлинган. Биринчи бўлагидан 900 кило, иккинчисидан 600 кило, учинчисидан 300 кило ҳосил жамланган. Бу 1800 килограмм маҳсулот бўлиб, шунинг учдан бири, яъни 600 килоси солиққа олинган, қолган 1200 килограмми деҳқонга қолган. Бўлимларга бўлинган ва ундан солиқ олиш учун ажратилган қисмдан ортган ҳосил ҳам деҳқоннинг мулки бўлиб қолган. Масалан, учга бўлинган ердан (бу қарийб 1 гектар ер дегани) 3 тонна ҳосил олинса-да, шундан солиқ олиш учун 1800 килоси ажратиб олинган ва 600 килоси солиқ учун ушлаб қолинган. Демак, деҳқонга 3 жариб ердан 2400 килограмм ҳосил қолган.

Жаҳонгир чиқарган қонунга кўра саҳрони ёки ташландиқ ерларни обод қилиб, ҳосил кўтарган деҳқон биринчи йили солиқ тўлашдан озод этилган. Иккинчи йили хоҳиши бўйича истаган миқдорда, учинчи йили тўлиқ солиқ тўлаган.

Хулоса ўрнига таъкидлаш жоизки, Амир Темур чиқарган қонун-қоидалар ҳозирги қонунларимизда ҳам ўз аксини топди ва топмоқда. Чунки буюк бобокалонимиз давридаги қонун ва қоидалар адолатли бўлган. Адолатли қонунлар эса умрбоқийдир.

Абдужаббор ҚУРБОНОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

Истиқлол йилларидаги бунёдкорлик

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Журналист бир кино актрисадан сўрапти:

— Сиз Шекспирни яхши кўрасизми?

— Бунақа саволларга жавоб беришни истамайман, деб жавоб қайтарган актриса бироздан кейин юмшаб, журналистга шундай дебди:

— Ҳа, майли. Биз у билан қалин дўстмиз. Шундай деб ёзақолинг.

* * *

Бир одам мулладан "Араблар овқатнинг совуганини нима дейди?" — деб сўрапти.

— Араблар овқатни иссиғида ейди, — дея жавоб берипти мулла.

ИБРАТЛИ УМР ЙЎЛИ



Атроф табиий-муҳитдан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни ҳуқуқий жиҳатдан ўрганишга ўз умрини бағишлаган Узоқ Бозоровга дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари ҳавас билан қарашади. Чунки устознинг умр йўлига назар ташласак, унинг ибратли эканига амин бўламиз. Ҳуқуқшунослик дипломини қўлга олган ёш мутахассис дастлаб прокуратура соҳасида иш бошлади. Сал муддат ўтгач, илм билан шуғулланишга аҳд қилиб, Республика Фанлар Академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институтига ишга кирди. Бу ерда тажриба оширгандан сўнг аспирантурага ҳужжат топширди ва уни муваффақиятли тамомлаб, номзодлик ишини ёқлади. Олим 2001 йилгача Тошкент Давлат юридик институтида доцент, кафедра мудири, декан лавозимларида фаолият юритди. Бу даврда у минглаб бўлажак ҳуқуқшуносларга экология ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи, ер ҳуқуқи каби фанлардан сабоқ берди. "Экология ҳуқуқи", "Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи" дарсликларига ҳаммуаллифлик қилди. Илмий ишларга раҳбарлик қилиб, кўплаб шогирдлар етиштирди.

Мамлакатимиз мустақиликка эришгач, табиатни муҳофаза этиш ва қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича қабул қилинган қонун лойиҳаларини муҳокамадан ўтказиш ва уларга хулоса бериш ишларига ҳам муносиб улуш қўшди. Турли мавзуларда 100 дан ортиқ илмий ишларни чоп эттирди. Улардан бир нечтаси инглиз ва немис тилида хорижда нашр этилган. Фидокорона меҳнатининг самараси ўлароқ табиатни муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланувчи Республика ва Халқаро ташкилотларнинг аъзолигига сайланди.

Устоз олим ўқув-услубий жараённи яхши билиши ва тушуниши боис давлат ўқув дастурларини ҳамда институтнинг ўқув режаларини ҳамда ўқув-методик қўлланмаларини тузишда фаол иштирок этади. Тажрибали мураббий сифатида ҳар бир масалага масъулият билан ёндашади. Устоз мураббий бирмунча фурсат Тошкент Давлат юридик институти қошидаги "Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази"га раҳбарлик қилди.

Узоқ Бозоров ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси сифатида мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, шунингдек, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари, республикамизнинг давлатлараро шартномалари ҳамда мажбуриятларининг Конституциямизга мослигини аниқлаш борасида самарали меҳнат қилмоқда.

Ибратли умр, ҳалол меҳнат, фидойилик, интилувчанлик ва меҳрибонликни ҳаётнинг асосий мезони деб билган киши ҳаётда шундай эътибор топади.

Биз кўп сонли шогирдлари номидан устозимизга қалбимиздаги энг эзгу тилакларни бахшида этамиз.

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,
Зоҳир ҒОФУРОВ

Сирлашиш завқи...

Шавкат АКРОМОВ олган сурат

ҚАДИМГИ ЖАЗО ТУРЛАРИ

Қадимги Шарқ (Миср, Вавилион (Бобил), Ҳиндистон, Япония, Хитой, Греция, Спарта, Афина, Рим); Ғарбий Европа (Франк, Англия, Франция, Германия); Марказий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатлари (Византия) каби давлатларнинг ҳуқуқ соҳасида жиноят қонунчилиги ўзига хос томони билан ажралиб турган. Ҳар бир давлатнинг жиноят қонунчилигида жазо жиноятнинг оғир ёхуд енгиллигига қараб, турларга бўлинган.

Қадимги Миср давлатида оғир жиноятлар қаторига Худога бағишланган ҳайвонларни ўлдириш, ўғирлаш, Нил дарёсига ахлат ташлаш, давлатга қарши қаратилган жиноятлар, сехргарлик, фолбинлик каби жиноятлар кириб, жиноий жазонинг ўлим жазоси — ёқиб юбориш, тан жазолари — қўл, бурун, оёқни қирқиш, шунингдек, қулга айлантириш, таёқ билан савалаш каби турлари мавжуд бўлган.

Қадимги Вавилон (Бобил) давлатида 282-моддадан иборат подшо Хамурабби кодекси жорий этилган. Ушбу кодексда жиноятларнинг қуйидаги турлари назарда тутилган: шахсга қарши қаратилган жиноятлар — одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш ёки болаларни ўғирлаш (озод кишиларнинг болаларини); мулкка қарши қаратилган жиноятлар — ўғирлик, босқинчилик; оилага қарши қаратилган жиноятлар — яқин қариндошлар билан жинсий алоқада бўлиш, хотин кишининг бевафолик қилиши уларга қуйидаги жазо турлари қўлланилган: қатл этиш, (сувга чўктириш, ўтга ташлаш) бирон аъзосига шикаст етказиш, тан жазоси, дарра билан уриш, бахтсизлик белгисини қўйиш.

Жазо тайинлашда талион ҳамда тимсолий талион — қайси аъзоси билан жиноят содир қилса, ўша аъзосини қирқиш шарт қилиб белгиланган.

Қадимги Ҳиндистоннинг жиноят қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда эрамизгача III асрда тузилган Ману қонунлари алоҳида ўрин тутган. Ману қонунлар тўпламида давлатга қарши, шахсга мулкка ва оилага қарши қаратилган жиноятлар мавжуд бўлган. Жазонинг эса қатл этиш (ёқиб юбориш), бирон аъзосини қуйдириш, филнинг оёғи остига ташлаш, қамоқхонага қамаш, оёғига кунда уриш, жарима каби турлари қўлланилган. Масалан, тунги ўғирликдан бошқа ҳамма ўғирлик учун тан жазоси ёки ўғирланган мулк қийматининг икки баробар миқдорида жарима солинган.

Қадимги Хитой давлатининг қонунчилигида жазо тайинлаш подшо Му томонидан тузилган жиноят кодексида ўз ифодасини топган. Бу кодекс жазо тизимининг кенг миқёсда таснифланиши билан ажралиб туради. Ушбу кодексда турма қамоғи, оёқни қирқиш, бурунни қирқиш, юзига қора тамға босиш каби жазо турлари белгиланган.

Афина давлатларида эса жазолашнинг "қонли қасос" тури мавжуд бўлган. Давлатга хиёнат қилиш, ёлғон гувоҳлик бериш, худоларни ҳақорат қилиш оғир жиноятлар ҳисобланиб, жазо тайинлашнинг эса қатл этиш (бунда маҳкумга заҳар бериб, ўзини-ўзи ўлдиришга рухсат берилган) қулликка сотиш, жарима солиш, тан жазолари, мол-мулкни мусодара қилиш, ҳуқуқлардан маҳрум қилиш каби турлари қўлланилган. Шунингдек, Афина давлати жиноят қонунчилигида қасддан ва эҳтиётсизлик билан одам ўлдириш бир-биридан фарқланиб, уларга алоҳида-алоҳида жазо тайинланган.

Қадимги Рим жиноят қонунчилиги эса "XII жадвал қонунлари"нинг манбаларида ўз ифодасини топган. "XII жадвал қонунлари" хавфлироқ жиноятларни алоҳида кўрсатиб ўтади. Уларга давлатга хиёнат қилиш, мулкни ёқиб юбориш, ҳосилни яширин ҳолда ёқиб юбориш ёки йўқотиш, судьяларнинг пора олиши, ашаддий туҳматчилик, тунги ўғирлик ёки қурол-яроғ воситаси билан ўғирлик қилинганда айбдорни қўлга туширса, ўша жойда ўлдириш назарда тутилган.

Баданга жароҳат етказиш Қадимги Римда ҳақорат деб тушунилган. Баданга ва бошига шикаст етказганлик учун, масалан, агар қўл билан ёки таёқ билан уриб, суякни синдирганлик учун озод киши бўлса 300 асс, қулга ана шундай зарар етказилса 150 асс миқдорида жарима (роспа) солинган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Қадимги Римнинг жиноят қонунчилиги ижтимоий тенгсизликни расмийлаштирган. Жиноий ҳаракатнинг қасддан бўлиши айбни оғирлалаштирувчи ҳолат ҳисобланган. Римнинг озод фуқароси қатл этиш жазосидан пул тўлаб қутилиб қолиши мумкин бўлган. Қуллар эса бундай ҳуқуқдан маҳрум этилган.

Қадимги франклар давлатида жиноят ҳуқуқи V-VI асрларда ёзма манба сифатида ўз фаолиятини олиб борган "Салик правдаси"да ўз ифодасини топган. "Салик правдаси"га кўра содир этилган кўплаб жиноятларга жазо тариқасида жарима қўлланилган ва бошқа жазо турлари жарима билан алмаштирилган. Масалан, Франк давлатида озод франк ўлдирилса 200 сопид, 10 ёшга тўлган бола ўлдирилса 600 сопид, ҳомиладор хотин ўлдирилса 700 сопид жарима солинган.

Қадимги Англия қонунчилигида жиноятга тайинланадиган жазолар 600 йил мобайнида амалда бўлган "Этельберт правдаси", 690 йилда вужудга келган "Ине правдаси", IX асрнинг 90-йилларига қадар манба сифатида амалда бўлган "Альфред судномаси", "Кнут қонунлари" асосида белгиланган. Ушбу қонунлар тўпламида ҳам жазолар ўзига хос белгилар билан ажралиб турган. Масалан, "Этельберт" ҳамда "Ине правда"лари жазо тайинлашда "вергельд" (одам баҳоси) тарзида белгиланадиган жарималарни белгилаш билан ажралиб турган.

Қадимги Византия қонунчилигида жиноят ва жазо масаласи давлат жиноятлари (императорга қарши фитна, давлатга хиёнат); динга қарши жиноятлар (диндан қайтиш, яҳудий динига кириш); мулкий ҳуқуқларга қарши қаратилган жиноятлар (ўғирлик, талончилик)ларга бўлинган. Жазолаш тизимида қатл этиш, тан жазолари, қўлни қирқиш, пул жарималари солиш, мол-мулкини мусодара қилиш жазолари назарда тутилган.

Кўриниб турибдики, қадимги давлатларнинг қонунчилиги жиноятга жазо тайинлаш масаласида бир-биридан ажралиб турган. Шундай бўлса-да, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаган.

Саломат НИЁЗОВА

Жиноят ва жазо

СЎНГГИ БЕКАТ

Замоннинг зайли-да: илгари йўловчи такси пойлаб хуноб бўларди, энди эса ҳайдовчи йўловчининг бир имосига маҳтал. Борига шукур дейсан. Аммо...

— Ака, ўтиринг, қаерга олиб борай?! — дея ҳайдовчи яп-янги "Нексия"сини кўз-кўз қилади.

— Марказга бормоқчиман. Қанча билан олиб борасиз? — деб савдолашган бўласиз. Ҳайдовчи ҳам анойи эмас. Бирданига оғзини тўлдириб:

— Уч минг бўлади, акаси, — дейди.

— Э, қизиқ экансиз-ку, уч минг билан Сурхондарёдан келаяпман! — норози бўласиз инсофи йўқ ҳайдовчига қараб.

— Ҳа, энди, бу ер шаҳар, нархи баланд, — дейди пинак бузмасдан у. Йўлкира савдоси давом этади. Ҳозир нима кўп — киракаш ҳайдовчи кўп. Баъзан йўл четида ўзингиз хаёл суриб турган бўлсангиз ҳам ёнингдан ўтиб кетаётган ҳайдовчи "Йўл бўлсин, ака?" дея "қармоқ ташлаб" кўрди.

Бу, албатта, яхши. Аммо биз қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган бир жиноят тафсилоти ўрни келганда айрим киракаш ҳайдовчилар учун сабоқ бўлур, деган ниятидамиз. Ахир, халқимиз бежиз айтмаган: олғирлик офат келтирар, баднафслик — ҳалокат.

* * *

Хизмат тақозоси билан Термиз шаҳрига келиб қолган жиззахлик Баҳодир Зайниддинов бу ерда кўпгина танишлар орттирди. Айниқса, улар орасида шаҳар марказида яшайдиган Исмат Нодиров билан жуда аҳил бўлиб қолди. Улар ўртасида ўзаро борди-келди, жўрачилик қарор топди. Шу сабаб Баҳодир бир-икки сўм топган пулни ҳеч иккиланмай дўстига омонат сифатида ишониб топшириб қўядиган бўлди.

Бир кун кутилмаганда, Баҳодирнинг отаси бетоб бўлиб қолганлиги ҳақида шошилинч хабар келди. У отасининг бетоб эканини эшитгач, шоша-пиша Жиззахга йўл олди. Орадан бир неча ой ўтгач, шифохонадан тузалиб чиққан отанинг соғлигидан кўнгли хотиржам тортгач, яна Термизга қайтиб келди. Бу гал у таниши Исматдан омонатини олиб, бутунлай ўз юртига қайтиш ниятида эди. Шу боис у таниш дарвозани тақиллатди:

— Тузукмисиз, — дея сўрашди у, — энди ака ҳалиги омонат 40 минг сўмни, кийим-кечакларни берсангиз. Сафарим қариди. Жиззахга бутунлай қайтиб кетмоқчиман.

— Қанақа омонат?!. — деди Исмат гўё илк марта уни кўриб тургандек қиёфада. — Мен сени танимайман. Бу ерда ҳеч қанақа омонатинг ҳам йўқ!

Бундай кутилмаган кўрс муомаладан ҳуши бошидан учган Баҳодир бозор ичидаги ошхонага кириб, алам устида ароқ ичди. Бу ҳам камлик қилди шекилли, устидан бир шиша пивони ҳам симирди. Сўнг шаҳарга оқшом чўкканга қадар кўчада бемақсад тентираб юрди. Кейин бозор қаршисидаги бекатга келиб, йўловчи пойлаб турган Зоир Абдураимов бошқарувидаги "Тико"га яқинлашди.

— Мени вакзалгача олиб бориб қўйсангиз? — дея илтимос қилди у.

— Ўтиринг!

Баҳодир таксига ўтириб, вокзал томон йўл олди. Аммо манзилга етиб келгач, ҳайдовчи билан ўрталарида гап қочди.

— Ў, жуда "деловой" болага ўхшайсан. Мен сенга айтсам, йўл ҳақи 800 сўм бўлади. Яна беш юз сўм чиқарасан, — дея талаб қўйди Зоир.

— Бошқа пулим йўқ, — деди илтижо билан Баҳодир.

Йўлкира пули устида қаттиқ тортишув бўлди. Охири Баҳодир унга шаҳар марказида таниши яшаши, ундан қарз олиб беришини айтди. Улар яна шаҳар марказига қайтишди.

Тун ярмида тақиллаган дарвозани яна Исматнинг ўзи очди:

— Қанақа пул, мен сенга айтдим-ку, ҳеч қандай пул йўқ! — деди у Баҳодирга.

— 500 сўм қарз бериб тур, манаву таксичи билан ҳисоб-китоб қилиб юборай, — деди у ёлворган овозда.

— Э, бор-е, мен сени танимайман. Иккинчи бор бу ерга келма, тушундингми? — дея Исмат шарақлатиб дарвозани ёпди.

Баҳодир яна "Тико"га қайтиб ўтираркан, танишининг пул бермаганидан ёзғирди. Аммо таксичи ҳам унинг гапларига ишонмади. Оқибатда улар ўртасидаги тортишув муштлашишга айланди. Ҳайдовчи ва йўловчи машина ичида олишиб кетишди. Шу олишув билан улар машинанинг орқа ўриндиғига ағанаб тушдилар. Бахтга қарши ҳайдовчи Зоир Абдураимов Баҳодирнинг остига тушиб қолди. Фурсатдан фойдаланган йўловчи эса Зоирни панжалари билан бўға бошлади. Кўзи қонга тўлган Баҳодир бўшашиб қолган ҳайдовчининг бўйнига эгнидаги курткасининг чилвирини суғуриб олди-да, уни қайтадан бўға бошлади. Шу тариқа арзимаган 500 сўм устидан бошланган жанжал мудҳиш фожиа билан якун топди.

Баҳодир мурдани машинага юклаганича, йўлга тушди. Қоронғу, кимсасиз кўчадан мурда ортилган машинани бошқариб бораётган Баҳодир "Тико"ни йўл четидаги дарахтга уриб олди. У бир томони пачоқ машина билан узоққа боролмаслигини англагач, "Тико"ни йўл бўйидаги бекатнинг хилватроқ жойига ҳайдади. Сўнг мурдани шу орадаги қудуқ ичига ташлаб, устидан қопқоғини ёпиб қўйди. Машинадаги ҳужжат ва уч минг сўмни чўнтагига солди. Қаранг, нафс нима қўйга солмайди дейсиз: Баҳодир машина заҳирасидаги ва олдидаги икки балонни ечиб, қўлтиқлаганича катта йўлга чиқди. У қўл кўтариб, тергов даврида аниқланмаган оқ рангдаги "Жигули"ни тўхтатди.

— Темир йўл бекатигача олиб бориб қўйсангиз? — деди у.

— Ўтир! Мабодо ғилдираклар ўғирланган эмасми? — дея хушёрлик билан сўради ҳайдовчи.

— Йўқ, ўзимники, - деди у бамайлихотир.

"Жигули" ҳайдовчиси йўл-йўлакай ички ишлар бўлими биноси ёнида тўхтаб, ичкарига кириб кетди. Машина ичида бир ўзи қолган Баҳодир зудлик билан чўнтагидаги "Тико"нинг ҳужжатларини йўл четидаги бутазор ичига кўмиб қўйди. У ҳайдовчининг ички ишлар бўлими биносига кириб кетганидан хавотирда эди. Йўқ, орадан бироз ўтиб ҳайдовчи қайтиб чиқиб, машинага ўтирди.

— Ростини айт, баллонлар ўғирланган эмасми? — дея қайта сўради у.

— Ака, келишамиз, рози қиламан, — деди Баҳодир.

— Бўлмасам, гап бундай, эртага темир йўл бекатига 60 минг сўм олиб келасан, кейин баллонларни оласан, тушундингми?

— Ҳа...

Мабодо, у ҳозиргина ёнида тун ярмида ўтирган Баҳодирнинг бундан бир соат илгари ўзига ўхшаган бир ҳайдовчининг қотили эканлигини билса, нима қиларди?!

Ўша оқшом Баҳодир Жиззахга равона бўлди.

Эртаси кун йўл четида олд ғилдираги ечилган эгасиз "Тико" турганлиги ҳақида ички ишлар бўлимига хабар келди. Тезкор ҳаракат туфайли машина эгасининг шахси аниқланди. Уч кундан сўнг қудуқ ичидан жасад ҳам топилди. Аммо жиноятчи очиқда эди. Орадан ойлар ўтди. Йўлдан адашган Баҳодир бу орада Жиззахда ҳам яна бир жиноят содир этди. Бироқ охирги оқибат у суд томонидан тегишли жазони олди.

Бу воқеа тафсилотларига шу ерда якун ясасак ҳам бўлади. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, баднафслик охири оқибат ҳалокатга олиб боришини яна бир бор киракаш ҳайдовчиларга уқтирмоқчимиз. Тун ярмида пул топиш нияти билан шаҳар кезаётган ҳайдовчилар ўта ҳушёр бўлишлари билан бирга, ёнидаги йўловчиларнинг ҳар бир қалтис ҳаракатини эътибордан четда қолдирмасликлари керак. Чунки фалокат оёқ остидадир...

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Адлия вазирлиги жамоаси жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг раиси **Равшан ТУРСУНОВ**нинг бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2643. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Навбатчи: Б. РАЙИМОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер оператори: М. ЯХНЯЕВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.